



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Одамларга  
тушунтириш  
эмас, уларни  
шахсий  
ибрат билан  
ишонтириш  
кўпроқ самара  
беради

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 10-sentyabr, payshanba, 101 (23.381)-son

## Ўзбекистон ва Львов ўртасида авиақатнов режалаштирилмоқда

Вилоят ҳокимлигида вилоят раҳбари Эркинжон Турдимов ва Украинанинг мамлакатимиздаги элчиси Николай Дорошенко билан учрашув ўтказилди.



Ҳокимлик ахборот хизматининг хабар беришича, учрашувда Ўзбекистон ва Украина алоқаларининг мустақамлашиб бораётгани икки мамлакат минтақалари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда вилоятда IT Park ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, чорвачилик ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича биргаликда амалга оширилган лойиҳалар муҳокама этилди.

Учрашувда элчи жаноблари Самарқанд билан Ўзро биродарлашган Львов вилояти

раҳбари Максим Козицкийнинг вилоятимиз вакиллари Львовга таклиф этилган таклифномасини топширди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳар ҳокимига Львов шаҳрига таклифнома тақдим этилди.

Учрашувда Самарқанд ва Львов шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Томонлар тез фурсатда украиналик ишлаб чиқарувчилар ва ишбилармонлар иштирокида онлайн режимда самарқандлик тадбиркорлар билан учрашув ташкил этиш ҳамда Ўзро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар.

Самарқанддаги жойлар, тарихий обидаларни зиёрат қилиш ногирон, ҳаракати чекланган инсонлар учун нечоғлик қулай? Шу ҳақда билиш учун Регистон майдонида бўлдик. Катта кўчадан кириб келишдан оравачалар ҳаракатланиши учун махсус йўللари кўриш мумкин. Шу тариқа майдонга бемалол ногиронлик аравачасида келиш имконияти бор. Кейин-чи? Тўғриси, улғувор минорлар ва уларнинг пойига назар ташлаб, аравачадаги инсонлар фақатгина майдоннинг ўзини томоша қилиш мумкин экан-да, деган хаёлга борасиз. Сабаби, бу ердан улар ўтиши мумкин бўлган, зинали жойлардан чиқиш учун пандусларга кўзингиз тушмайди.



## Регистонда аравачада юрса бўладими?

Шу хаёллар билан минорларга қараб ўтиргандим, маълум олиш мақсадида мен кутган киши - мажмуа раҳбари рўпарамда пайдо бўлди.

- Самарқанд бутун дунёга тарихий обидалари, қадимийлиги билан машҳур шаҳар дейдиган бўлсак, Регистон унинг юраги, асосий ташриф қоғозидир, - дейди Регистон ансамбли директори Хонқул Самаров. - Яқиндан бошлаб бу ерда ногирон инсонлар ҳам бемалол ҳаракатланиши учун тўлиқ шароит яратилди.

Майдонга киришдан олдин нафақат имконияти чекланган кишилар, балки нуруний отахону онахонлар, чарчаб қолиш эҳтимоли бўлган кишилар учун

аравачалар қўйилган. Шу тоифадаги инсонлардан бемалол фойдаланишлари мумкин. Кўпчилик сайёҳлар Регистон майдони марказида уни томоша қилиш, ундан завқланиш ва шу ерда суратга тушишни муҳим ҳисоблайди.

- Демак, бошқа мадрасаларга ногирон кишилар киролмас экан-да, - сўрайман суҳбатдошимдан.

- Йўқ, аравачада ҳар бир мадраса ва обидани айланаб чиқиш мумкин. Юринг, бу қандай амалга оширилганини ўзингиз кузатинг.

600 йиллиги нишонланган Улғубек мадрасасининг ён томонидан унга кириш учун пандус йўли

қурилган. Шунингдек, ичкарига кириш учун олиб қўйилган пандуслар мослаштирилган.

- Тарихий обидаларга зарар етказмаслик, қўшимча ҳар қандай қурилишлар амалга оширилиши таъқиқлангани тўғрисида қўшма тарзда ишланган, - дея тушунтириш беради Х. Самаров. - Ансамбль маблағлари ҳисобида биринчи бўлиб халқаро "Инклюзив шаҳар" рўйхати кирмоқчи.

**P.S.** Самарқанд шаҳрида шу йилнинг 14 сентябрь куни Марказий Осиё XI халқаро «Тараққиёт тарихи» конференцияси доирасида «Самарқанднинг тарихий обидаларига йўл» номли волонтерлик акцияси ва давра суҳбати ўтказилади.

чекланиш бор сайёҳлар келиб, миннатдор бўлиши. «Тўғриси, бундай имконият борлигини кутмагандик», дея фикр билдирганлар ҳам бўлди.

Муаззам майдондаги барча обидаларга уларнинг архитектурасига зарар етказмаган ҳолда кўчма пандуслар ўрнатилганлиги гувоҳ бўлди. Шунингдек, майдон чеккасида имконияти чекланган инсонлар учун мўлжалланган санитария хоналар ҳам ташкил қилинган.

Дарвоқе, маълумот учун айтишимиз керак Самарқанд шаҳри юртимиздаги кентлар орасида биринчи бўлиб халқаро "Инклюзив шаҳар" рўйхати кирмоқчи.

**Гулруҳ МҲМИНОВА.**

## “Энг улуг, энг азиз” танлови ғолиблари тақдирланди



Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ташкил этилган бу йилги танлов "Сен - кудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!" деган бош ғоя асосида ўтказилди.

Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Р.Қобилов, ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи М.Ибодуллоев пандемия шароитида ҳам мазкур анъанавий танловга қизиқиш катта бўлганини қайд этиб, самарқандлик шоир ва ёзувчилар, журналист ва блогерлар, расм, дизайнер ва фотограflарнинг 100 га яқин ижодий ишлари телеграм канал орқали қабул қилиниб, муносиб баҳоланганини таъкидлади.

Барча ишлар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, олти номинация бўйича 18 нафар ғолиб ва совриндорлар аниқланди. (Рўйхат 2-саҳифада).

- Саксон ёш остонасидаги ижодкорман, - дейди ёзувчи ва шоирларнинг энг яхши бадиий асарлари йўналиши ғолиби, публицист Нусрат Раҳмат. - Икки асрни, икки тузумни кўрдим. Ҳаёт давомида кўрган-кечирганларим асосида бир қатор асарлар яратдим. Мустақиллик тўғрисида жадид боболаримиз ҳаёти ва ижодини ўрганишга алоҳида эътибор, рағбат кўрсатилганидан руҳланиб, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида "Жадид" номли роман ёзгандим. Ушбу асарим бугунги танловда эътироф этилганидан хурсандман.

Танлов ғолибларига ташкилий қўмита томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчиларига "Президент совғаси" 14 сентябрь куни топширилади. "Президент совғаси" 12 турдаги ўқув қуроллари, жумладан портфель, дафтарлар, расм дафтари, акварел бўёқлари, рангли қоғоз, қаламдон, шарикли ручка, рангли ва оддий қаламлар, пластилин, елим ва ўчирғичдан иборат.

Аввал хабар қилганимиздек, вилоятда Халқ таълими вазир Шерзод Шерматов раҳбарлигида ишчи гуруҳ мактаблар фаолиятини ўрганмоқда.

Ишчи гуруҳ умумий ўрта таълим мактабларида эпидемиологик ҳавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги 1255 та мактабнинг 1218 таси янги ўқув йилига тайёр ҳолга келтирилган. 51 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг 14 таси 14 сентябрга қадар фойдаланишга топширилади, 37 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этади.

## Коллеж ва техникумларга қабул давом этмоқда

2020 - 2021 ўқув йилида вилоятда ташкил этилаётган 37 касб-хунара мактабига 54 касб бўйича 7380 нафар ўқувчи қабул қилиш режалаштирилган. Бугунги кунда касб-хунара мактабларига ўқиш истагини билдирган 9046 нафар 9-синф битирувчилари ўқишга қабул қилинди.

Профессионал таълим тизимига асосланган идоровий коллежларда ўқиш 2 йилгача бўлган муддатда ташкил этилади. Ўқиш давомийлиги касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб белгиланади. Вилоятдаги 15 та (11 та педагогика, 2 та тиббиёт, 1 та қурилиш ва 1 та транспорт) идоровий коллежларда kollej.edu.uz платформаси орқали онлайн ҳужжат топширилмоқда.

Вилоятда очилаётган 22 та техникумда камда умумий ўрта маълумотга эга, яъни мактабнинг 11-синфини тамомлаган шахслар 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги,

## Вазир раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ мактабларда 70 дан ортиқ камчилик аниқлади



**МАКТАБЛАРДА КўНҒИРОҚ ЧАЛИНМАЙДИ**  
Мактабларнинг фаолияти анъана-

вий тарзда йўлга қўйилиши олдида ҳар бир туман ва шаҳардаги мактаблар бўйича санитария-эпидемиологик осойишталик марказларининг ҳулосаси берилди. Ўқувчиларнинг анъанавий ёки онлайн таълим шаклига жалб этилиши, ўқитувчиларнинг тест топширганлиги ҳолати, мактабнинг дозатор, пирометр, антисептик воситалар ҳамда тиббий ниқоб билан таъминланганлигига эътибор қаратилади ва қатъий назоратга олинади.

Ўқувчилар мактабга бир вақтда келмайди. Бошланғич синф ўқувчилари соат

08:00 да келса, ўрта синфлар 08:30 да, юқори синфлар эса 09:00 да келади. Танаффуслар ҳам худди шундай тартибда бўлади ва ўқувчиларнинг бир вақтда тўпланишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун мактабларда кўнғироқ чалинмайди.

Бундан ташқари, ҳар бир мактаб кириш йўлига 2 метрлик масофада чиқиқлар чизилади. Ўқувчилар масофа сақлаган ҳолда бинога киритилади, дарс тугагач, бошқа эшикдан чиқарилади. Дарс машғулотларида ўқитувчи ва ўқувчилар тиббий ниқобда бўлади. Ўқувчилар ота-оналар томонидан тиббий ниқоб билан таъминланади, фақат кам таъминланган оила фарзандларига ҳар куни 2 дондан ниқоб берилди.

2-саҳифа >>>

## СамДАҚИда ижодий имтиҳонлар ўтмоқда

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг архитектура факультети биносида ижодий имтиҳонлар ўтказилмоқда.

2020 - 2021 ўқув йили учун ижодий имтиҳонлар институтнинг дизайн таълим йўналишлари, яъни ландшафт дизайн ва интерьер дизайн йўналишлари учун бўляпти.

Имтиҳонда абитуриентлар чизмачилик фанидан деталь, рангтаъмир фанидан натюрморт расмини чизишлари керак. Чизмачилик учун 1 соат, рангтаъмир учун 2 соат вақт берилди. Ушбу йўналишда имтиҳон топширган абитуриентлар тест синовлари топширмайди.

Ижодий имтиҳон бўлиб ўтаётган жой тўлиқ камералаштирилган бўлиб, жараёни ота-оналар институт сайти орқали тўғридан-тўғри кузатиб боришлари мумкин. Имтиҳон 4 кун давом этади, натижаси бир кундан сўнг маълум қилинади.

Дизайн таълим йўналишига 384 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Қабул квотаси - 50 та (15 та давлат гранти, 35 та тўлов-контракт).

**Азизбек НАСИМОВ,**  
вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

# Вазир раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ мактабларда 70 дан ортиқ камчилик аниқлади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

## 69,5 ФОИЗ ОТА-ОНА АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ ТАНЛАДИ

4-8 сентябрь кунлари вилоят бўйича 64 та мактабда ўқув жараёнини бошлаш бўйича намунавий семинар-тренинглар ташкил этилди. Тренингларда болаларга умумтаълим муассасаларида карантин қоидаларига риоя қилиш тартиби тушунтирилди. Худди шундай семинарлар бошқа мактабларда ҳам ўтказилмоқда.

Жойлардан берилган таклифларга кўра, мактаблар босқичма-босқич ўз фаолиятини бошлайди.

9 сентябрдан бошлаб барча туман, шаҳар марказларида 1 тадан жами

16 та мактаб;  
- 10 сентябрь кунлари марказдан четда жойлашган 16 та мактаб;  
- 11 сентябрь кунлари 71 та мактаб;  
- 12 сентябрь кунлари 110 та мактаб;  
- 14 сентябрь кунлари 1042 та мактаб ўз фаолиятини бошлаши белгиланган.

Ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш борасида бугунги кунга

қадар 686 минг 485 нафар (93 фоиз) ота-она билан мулоқот қилинди. Шундан 477 минг 341 нафар (69,5 фоиз) ота-она анъанавий таълим шаклини, 209 минг 144 нафари (30,5 фоиз) эса масофавий таълим шаклини танлади.

## 15 МИНГ 350 НАФАР ПЕДАГОГ COVID-19 ВИРУСНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТЕСТ ТОПШИРДИ

Ҳозиргача вилоятдаги 704 мактабда дарс жараёнини ташкил этиш ҳамда кириш-чиқиш схемалари ишлаб чиқилиб, тайёр ҳолга келтирилди. 799 та мактаб туман СЭО марказлари томонидан ўрганилиб, шундан 423 таси фаолиятини бошлашга тайёрлиги аниқланди.

Мактаблар ўз фаолиятини анъанавий тарзда бошлаши учун туман ҳокимликлари таклифига асосан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим. Шундан сўнг мактаблар очилишига рухсат берилади.

7 сентябрь ҳолатига кўра, вилоятда 15 минг 350 нафар (26 фоиз) педагог



COVID-19 вирусини аниқлаш бўйича ПЭР тестларини топширди.

Мактабларнинг қуввати ва ўқувчи сонидан келиб чиқиб, вилоятдаги мактабларга:

- 1155 нафар шифокор;
- 1001 нафар ИИБ ходими;
- 573 нафар санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходими;
- 1055 нафар маҳалла фуқаролар йиғини ходими бириктирилди.

## МАКТАБЛАРГА 2 МИЛЛАРД 280 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Вилоят мактабларига 9138 та дозатор, 2355 та пирометр, 308 минг 454 литр антисептик воситалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари учун 2 миллион 566 минг 288 та тиббий ниқобга эҳтиёж борлиги аниқланди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет ҳисобидан мактабларга пирометр ва дозатор воситаларини харид қилиш учун 2 миллиард 280 миллион

сўм маблағ ажратилди. Ўқиш бошлангунга қадар барча мактаблар талаб этилган санитария-гигиеник воситалар билан тўлиқ таъминланади.

Ишчи гуруҳининг умумий ўрта таълим мактабларининг эпидемиологик хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ўрганиш ишлари давомиди 123 та мактабда 71 та камчилик аниқланди ва шундан 62 таси бартараф этилди. Масалан, ишчи гуруҳ Нуробод тумани мактабларини ўрганганида 13-, 28-, 67-умумий ўрта таълим мактабларида ичимлик суви муаммо экани аниқланди. Ушбу муаммони ҳал этишни туман ҳокимлиги ўз зиммасига олди, яъни ҳар кунги мактабга сув ташиб келтириш йўлга қўйилди.

Ўрганиш ишлари 14 сентябргача давом этади.

**Қўлдош САИДОВ,**  
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.



# “Ягона миллий меҳнат тизими”га киритмаслик

маъмурий чора кўрилишига олиб келади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, барча юридик шахслар томонидан 2020 йил 1 январдан бошлаб “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш, меҳнат дафтарчаларига киритилмайдиган ёзувларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш белгиланган.

Мазкур қарорнинг 12-бандига кўра, меҳнат шартномаларини, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартиришларни, уларнинг тугатилишини янги тизимда ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, электрон меҳнат дафтарчасини шакллантириш учун масъулият иш берувчи зиммасига юклатилган. Бунда иш берувчиларга иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни тугатиш тартиб-таомилларини электрон рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш;

- иш берувчиларнинг тузилмаси (штатлар жадвали), шу жумладан, мавжуд ва яратилмайдиган иш ўринлари, меҳнат шартномалари, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

- ходимнинг меҳнат стажини ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар, ҳисобланган иш ҳақи ва жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларига ҳисобланган солиқлар, фуқароларнинг шахсий жамғариб борилмайдиган пенсия жамғармаси ҳисобига тўловлар ҳақидаги ахборотга асосланган электрон меҳнат дафтарчасида жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва юритиш вазифалари юклатилган.

Қарор ижроси юзасидан шу пайтгача вилоят бўйича барча - 41 минг 439 иш берувчи тизимда рўйхатдан ўтказилди. Уларда тизимда 458 минг 840 нафар жисмоний шахслардан 443 минг 54 нафарининг меҳнат муносабатларига оид маълумотлари “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига акс эттирилган.

Вилоятнинг айрим ҳудудларида мазкур қарор талабларига риоя этмаётган иш берувчилар ҳам мавжуд. Бундай масъуллар ишчи-ҳодимларнинг меҳнат муносабатларига оид маълумотларини 2020 йил 1 сентябргача “Ягона миллий меҳнат тизими”да рўйхатдан ўтказишлари лозим эди. Чунки ушбу маълумотларни белгиланган муддатда тизимга киритмаслик ёхуд кечиктириш ҳолатларига йўл қўйилса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси биринчи қисмига асосан жавобгарлик чораси қўлланилади.

**Мухтор РУСТАМОВ,**  
вилоят бандлик бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.



Каттақўрғон тумани Валижон қишлоғида яшовчи тадбиркор Тўлқин Боқиев хонадонидида оилавий мактабгача таълим ташкилоти очди.

Ушбу маскан мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди ва бу ерда 20 нафар болани қабул қилиш режалаштирилган, - дейди тарбиячи Фотима Боқиева. - Ҳозир Мангитон, Мирақас, Равот, Қизил аскар ва Валижон қишлоқларидан ҳам фарзандини боғчамизга берувчилар кўпаймоқда. Имкониятдан келиб чиқиб, таълим-тарбия сифати ва қамровни кўпайтиришни режалаштирямиз.

Шунингдек, тадбиркор уйдаги имкониятдан фойдаланиб бройлер жўжа боқишни ҳам йўлга қўйди. Парҳез гўштни ҳудуддаги озик-овқат дўконларига арзон нархда сотиб, ўзи ҳам мўмай даромадга эга бўлмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

# Ишсизлик камайса, оила камбағал бўлмайди

Самарқанд тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш соҳасида мамлақатимизда ўз ўрнига эга ҳудуд ҳисобланади. Шу боис, аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлишга эришишда ушбу соҳа устувор аҳамият касб этмоқда.

Туманимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудлар ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратялмиз, - дейди туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Искандар Комилов. - Бу борада режа жадваллар ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда тармоқлар кесимида белгиланган ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Айнан бугунги кунда муҳим вазифага айланган “темир дафтар”ни қисқартиришда ҳам бу борадаги ишлар ижобий самара бермоқда.

Таъкидлаш жоиз, дастлабки ўрганишлар натижасида туманимизда 2245 оила камбағал оила сифатида “темир дафтар”га киритилган эди. Уларга белгиланган тартибда моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунга 230 оила камбағалликдан чиқарилди.

Туманининг Оҳалик ва Миронқул ҳудудлари паррандачиликка ихтисослашган. Биргина Оҳалик маҳалласида



694 хонадоннинг 50 фоизидан кўпроги уй шароитида парранда боқиш билан шуғулланади. Ҳар бир оила ойига ўртача 3-5 миллион сўм даромад қилмоқда. Паррандачиликни ривожлантиришдан хабари борлиги ҳамда томорқа хўжалигида кўп жой эгаллашмаслигини инобатга олиб, бугунги кунда 15 та хонадонни беданачиликка ихтисослаштириш орқали 20 га яқин ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Ушбу маҳалладаги 1018 оилада 3389 киши истиқомат қилади. Маҳалла аҳолиси томорқачилик, чорвачилик, асосан паррандачилик билан шуғулланиб, рўзғор тебратди. Худудда 4 та паррандачилик корхонасининг мавжудлиги ҳам аҳолида ушбу тармоқ бўйича кўника ва тажриба шаклланишида муҳим омил бўлмоқда.

Исмоил Эргашев коллежни битиргач, маълум муддат ишсиз юрди. Жорий йилдан бошлаб хонадонидида минг бош тўвук боқишни йўлга қўйди. Маҳаллада яшовчи Шаҳодат Олимназарова эса 2019 йилда “Ҳар бир оила –тадбиркор” дастури асосида 30 миллион сўм имтиёзли кредит асосида хонадонидида паррандачиликни бошлади. Ўтган давр мобайнида гўштга мўлжалланган бройлер жўжа боқиб, оиласи фаровонлигини таъминлаб, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан паррандачиликни янада ривожлантиришга киришди. Бугун улар товуқ боқиш билан бирга беданачиликни ҳам йўлга қўйган.

2500 та беданамиз бор ва кунига 2 мингтагача тухум оляпмиз, - дейди Шаҳодат Олимназарова. - Бу йўналиш ҳам қизиқarli, ҳам даромадли,

# “Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиблари

“Вилоятдаги ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари” йўналиши бўйича

- Нусрат Раҳмат (“Жадид” асари учун)
- Хосият Бобомуродова (“Тоғлари кўёшга салом берган юрт” бадиий публицистик рисоласи учун)
- Шавкат Бобомурод (“Соҳибқирон Темурбек” шеърӣ китоби учун).

“Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари” йўналиши бўйича

- Жумагул Сувонова - “Улуғбек ворислари” газетаси муҳаррири
- Ғофир Қаршиев - “Каттақўрғон ҳақиқати” газетаси муҳбири
- Замира Балтаева - “Самарқандский вестник” газетаси муҳбири.

“Оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари” йўналиши бўйича

- Ғолиб Ҳасанов - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири
- Каримберди Тўрамурад - блогер-журналист
- Равшан Амиров - www.samcity.uz мустақил веб-сайти администратори.

“Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари” йўналиши бўйича

- Умида Мамадалиева - вилоят телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири
- Шерзод Йўлдошев - вилоят телерадиокомпанияси радио гуруҳи муҳаррири
- Шерали Соибов - вилоят телерадиокомпанияси телеоператори.

“Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари” йўналиши бўйича

- Аҳмад Исоев - рассом, ўқитувчи
- Бахтиёр Мустанов - “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти фотомуҳбири
- Бахтиёр Эшпўлатов - дизайнер.

“Санъаткорларнинг юртни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари” йўналиши бўйича

- Ғиёс Облоқулов - хонанда
- Бахтигул Кушонова - вилоят маданият бошқармаси қошидаги намунали “Мақом” ансамбли яққохон хонандаси.
- Анвар Мирзаев - хонанда.

Вилоятимизда умумий майдони **63,1** гектар бўлган **15** та маданият ва истироҳат боғи фаолият юритмоқда. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ишчи-ҳодимлари сони **535** нафарни ташкил қилади.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

энг муҳими, ортиқча жой талаб қилмас экан. Кичкина жой бўлса, мўмай даромад олиш мумкин.

Туман ҳокими ўринбосарининг таъкидлашича, Оҳалик ва Миронқул маҳалларидидаги 42 нафар эҳтиёжман, меҳнатга лаёқатли фуқароларга худудда паррандачилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган саховатпеша тадбиркорлар жўжа етказиб бериш, уни парваришда ҳамда сотиб олишда кўмаклашши ҳам йўлга қўйди. Бу оилалар ҳам йил якунигача ўз даромадига эга бўлиб, “темир дафтар”дан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан тумандаги Кониғил маҳалласи ҳудудидида оилавий меҳмон уйлари ва умумий овқатланиш шохобчаларини яратишни назарда тутувчи этнотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Натижада “Кониғил туристик қишлоғи”да янги кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилмоқда. Жумладан, 4 та миллий умумий овқатланиш нуқтаси, 6 та савдо дўкони, 2 та маиший хизмат шохобчаси ҳамда 9 та хунармандчилик устахонаси очиш ҳисобига 50 дан зиёд янги иш ўрни яратилмоқда. Бу ерда Жўйисой, Қозиарик, Кониғил ҳамда Қўштамғали маҳалларидидаги 42 та эҳтиёжман оила аъзолари иш билан таъминланади.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**  
А.ИСРОИЛОВ (фото).

ЖАМИЯТ

Фуқароларга юзага келган низоли масалаларни судгача муҳокама қилишнинг очик майдонини яратиш, судлар иш ҳажмини камайитириш, давлат органларида низоларни судгача қўриб чиқиш мақсадида янги тизим жорий этилмоқда. Бу иш давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 17 июндаги "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Низолар судгача муқобил йўл билан қандай ҳал этилади?

Қарорга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, уларнинг қабул қилган қарорлари, ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгашида қўриб чиқилади.

Табиийки, бунда низолашаётган тарафлар, яъни давлат органлари ҳамда жисмоний ёки юридик шахсларнинг розилиги муҳим роль ўйнайди.

Қарорда белгиланганидек, бундан кейин ишни судда қўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низолини қўриб чиқишнинг муқобил усуллари қўллаш мумкинлигини аниқлайди. Низо суддан ташқарида ҳал этилишининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.

Қайд этиш лозимки, жорий йил 1 августдан эксперимент тариқасида Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида Апелляция кенгашлари ташкил этилмоқда.

Мазкур кенгашларнинг асосий вазифаси жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача қўриб чиқиш ва ҳулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини қўриш ҳисобланади.

Мурожаатни қўриб чиқишда қонун ҳужжатига турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган. У амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, Апелляция кенгаши уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкил-

лаштириш бўйича чораларни қўради. Шунингдек, мурожаатни қўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади. Апелляция кенгашининг 7 нафардан 11 нафаргача аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Кенгаш таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади.

Қоидаги қўра, Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган тавсиявий тусга эга ҳулоса уч кун муддатда давлат органи раҳбарига қўриб чиқиш, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади.

Апелляция кенгашининг ҳулосасини олган давлат органи раҳбари ёки ўринбосари уни инobatга олиши ёки ёзма асосланган тарзда рад этиши мумкин. Бунда қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда кенгаш ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан Адлия вазирлигига Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

**Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,**  
Тошкент давлат юридик университети ихтисослаштирилган филиали доценти, юридик фанлар номзоди.

Ташкилотчи раҳбар, тарғиботчи директор

Қуйида сўз юритмоқчи бўлган қахрамонимиз бугун мактаб директори бўлса-да, узоқ йиллар ижро ҳокимияти тизимида фаолият юритиб, соҳада катта тажриба орттирган. Йиллар давомида ёшлар билан ишлаб, ўзида янгича қарашлар шакллантиргани боис бугун аввало ўзига, қолаверса, бирорта ўқитувчига эскича ишлашга изн бермайди.

Фахриддин Холиқов 1960 йилда Урганч туманининг Ипакчи қишлоғида туғилган, вояга етди. Ўрта мактабни битириб, бир неча йил хўжаликда жисмоний тарбия услубчиси бўлиб ишлади. Сўнгра Самарқанд давлат университети тарих факультетига ўқишга кирди.

Институтни аъло баҳоларга тугатиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ижтимоий фанлар кафедрасида талабаларга дарс бера бошлади. Ундаги ташкилотчилик қобилиятини кўрган олийгоҳ раҳбарлари Фахриддинни ветеринария факультети ёшлар ташкилоти котиби вазифасига тайинлади. Кейинчалик институт маънавий-маърифат бўлим бошлиғи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бўлими раиси бўлиб ишлади.

Фахриддин Холиқовдаги ташаббускорлик 2000 йилдан бошлаб Самарқанд шаҳар ҳокимига вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия маъсул котиби, Богшамол тумани ҳокими ўринбосари вазифаларида ишлаган пайтларда ҳам намоён бўлди. У 12 йил давомида шаҳар ҳокимлигида етакчи мутахассис, ижтимоий ривожлантириш мас-

лалари котибияти мудирини лавозимда ишлаб, Самарқанд шаҳрида ижтимоий соҳани ривожлантириш, маънавий ва маърифатни юксалтириш, вояга етмаганлар билан ишлашда жонболик кўрсатди.

Ф.Холиқов 2015 йилда Самарқанд шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактаби директори сифатида иш бошлади. Етарли тажриба ва билимга эга бўлган раҳбар ишни мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларга самарали ишлашлари учун зарур шартлар яратиш, ўқувчиларга иқтидорларини намоён этувчи тўғра рақлар очишдан бошлади. Айниқса, "Мактаб-маҳалла-ота-она" тизимини узвий йўлга қўйди. Ўқувчиларнинг дарсдан сўнг шуғулланишлари учун ўнлаб тўғра рақлар ташкил этилди. Натижада мактаб рейтингий йилга йилга кўтарилди борди.

Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, академик С.Лақаев ва бир неча таникли олимларнинг мактабга келиб "Маҳорат дарслари" ўттиши ўқитувчиларнинг ўз устида яхшироқ ишлашига, ўқувчиларнинг эса мураккаб фанларга бўлган қизиқишларини оширишга туртки



бўлди. Муассасадаги "Ёш ўқитувчилар клуби"да юқори синф ўқувчиларидан 53 нафарига тажрибали ўқитувчи бириктирилиб, ҳафтага икки марта танлаган фанлари бўйича ёш ўқитувчи сифатида билимларини тенгдошларига ўргатган ҳолда машғулотлар олиб бориш ташкил этилди.

Ўқувчилар "Она тилим - менинг ғурурим" мавзусида ўтказилган иншолар танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган бўлса, ўқувчилардан бири бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақада бош совринни кўлга киритди. Мактаб тажрибали ўқитувчиларнинг дарс бериш услуби вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Бугун ўзининг 60 ёшини нишонлаётган Фахриддин Холиқовнинг ортидан ўнлаб билимли ва ташаббускор шоғирдлари келмоқда. Улар ҳам устозининг ишини давом эттириш билан бирга минглаб ёшларни ўқитиб, тарбиялаб, жамиятнинг фалол аъзоси бўлишига бел боғлаган.

Диляфрўз ЭРНАЗАРОВА.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

"ЖУМА ПАХТА ТОЗАЛАШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Жума пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 30 сентябрь кuni ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10:00 да Самарқанд вилояти, Паст Даргом тумани, Жума шаҳри Амир Темур кўчаси, 1-ўйда жойлашган "Жума пахта тозалаш" акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9:00 бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.jumaptk.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

- 1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- 2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- 3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги жамият бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
- 4. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
- 5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни қўриб чиқиш.
- 6. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш.
- 7. Жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини ва 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 8. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш.
- 9. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
- 10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- 11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

- 12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
- 13. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
- 14. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини қўриб чиқиш.
- 15. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан, мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказишни қўриб чиқиш.
- 16. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ҳомили ва бегараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатига олиб бориш.
- 17. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан, дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни қўриб чиқиш, жамият марказий омборида яроқсиз ҳолатга келиб қолган товар моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришни қўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.
- 18. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан, мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказишни қўриб чиқиш.
- 19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон ва 2019 йил 18 мартдаги 230-сонли қарорларига асосан "Жума пахта тозалаш" АЖ ҳамда пахта тайёрлаш масканларининг (М.Фофуров ПҚҚМ, М.Кучқаров ПҚҚМ, Т.Усманов ПҚҚМ, Хончарбоғ ПҚҚМ ҳамда

Самарқанд ПҚҚМ) бино-иншоотларини пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.

20. Жамият устав жамғармасига чиқарилган 1 (бир) дона акциясининг бозор қийматини тасдиқлаш.

21. Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни жамият томонидан бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олиш тартибини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 40-моддасига асосан:

- овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият томонидан йирик битим тузиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишни талаб қилишга ҳақлидир;

- ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши ҳамда мазкур муддат тугагандан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида бозор нархида қайтариб сотиб олинди.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтирилган маблағларнинг умумий суммаси акциядорлар-

да ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас, бундан жамиятнинг ўзгартирилиши ҳоллари мустасно. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инobatга олинган ҳолда жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинди.

Жамият устав жамғармасига чиқарилган 1 (бир) дона акциясининг бозор қиймати 38 708 сўм миқдоринда баҳоланган.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантирилган сана - умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 7 сентябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 24 сентябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан "Жума пахта тозалаш" акциядорлик жамияти маъмурий биносидида танишишлари мумкин.

"Жума пахта тозалаш" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 40-моддасига мувофиқ қуйидагиларни маълум қилади:

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Самарқанд вилояти, Паст Даргом тумани, Жума шаҳри Амир Темур кўчаси, 1-уй, электрон почта: www.jumaptk.uz, тел.: (+998 66) 465-32-22.

**"Жума пахта тозалаш" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши.**

Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил якунларига бағишланган навбатдаги умумий йиғилиши 2020 йил 30 сентябрь кuni соат 11:00 да жамият мажлислар залида ўтказилади.

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлар реестри ёпилган сана: 2020 йил 7 сентябрь ва 2020 йил 24 сентябрь.

Реестр ёпиш учун асос: Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 7 сентябрдаги 68-сонли йиғилиш баённомаси қарори.

КУН ТАРТИБИДА:

- жамият кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамият ижроия органининг 2019 йилги бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамият тафтиш комиссиясининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташки аудиторлик ташкилотининг миллий ва халқаро аудит стандарти талаблари асосида ўтказган текшируви натижаси юзасидан берган ҳулосаларини ва текшириш ҳисоботини тасдиқлаш;
- 2020 йилга жамият кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш;
- 2020 йилга жамият тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш;
- жамиятнинг 2020 йил учун ижроия органи раҳбари ва аъзоларини хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида сайлаш (тайинлаш);
- йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш (дивиденд ҳисоблаш, кузатув кенгаши аъзоларини ва тафтиш комиссиясини рағбатлантириш ва бошқалар);
- жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ва халқаро аудит стандарти талаблари асосида текшириш учун ташки аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақини тасдиқлаш;
- жамият фаолиятидаги 2019 йилнинг йиллик баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамият балансида бўлган фойдаланилмаётган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш, солиқ ҳисобланганини камайитириш ҳамда эскирган ва яроқсиз техникаларни ҳисобдан чиқариш.

**Эслатма:** Акциядорлардан ўзларига тегишли бўлган акция сертификатлари, вакиллар нотариал тартибда тасдиқланган ишончномалари ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.

**Акциядорларни рўйхатга олиш 2020 йил 30 сентябрь кuni соат 10:00 дан бошланади.**

**Манзил:** Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 153-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** 66-221-70-65, 66-221-74-05.

ТОПАНГА МУКОФОТ

Самарқанд шаҳрида «MANUCHEHR FAYZ» оилавий корхонасига (СТИР 305136134) тегишли, завод рақами 1631556 бўлган, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2017 йил 29 ноябрда 1801104488 реестр рақами билан рўйхатга олинган, «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат-касса машинаси йўқолган. Топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз. **Телефон (+99891) 547-15-51.**

Фуқаро Турсунов Зиёбой Мамаджонович номига 2018 йилнинг сентябрь ойида берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси, Самарқанд вилояти ҳудудига тушириб қолдирилган. Ушбу ҳайдовчилик гувоҳномасини топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз. **Телефон: (+99897) 933-01-33.**

Самарқандлик бир гуруҳ дўстлари истеъодли тарихчи олим, Турон фанлар академияси аъзоси, Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти **Неъматжон ПУЛВОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия ихзор этади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оқдарё туманидаги "QURUVCHI-BINOKOR TURKISTON" масъулияти чекланган жамиятнинг (СТИР: 206806283) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Тойлоқ туманидаги «SHOXINUR MIRONSHOX SERVIS» оилавий корхонасининг (СТИР: 304162064) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Оқдарё туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Асатов Махсуд Пулат ўғли номига берилган U № 4306133 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Паст Даргом туманидаги 32-ўрта мактабдан 1996 йилда Мамазаирова Умида Халимовна номига берилган UZA № 009008 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

\*\*\*

Паст Даргом туманидаги 32-ўрта мактабдан 1993 йилда Абдуллаев Муроджон Турғунбаевич номига берилган АУ № 145082 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

\*\*\*

Қўшрабат саноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Холиқов Султонбек Рустам ўғли номига берилган рўйхат рақами 455, K № 5587550 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Қўшрабат саноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Рустамов Мажид Анварович номига берилган рўйхат рақами 748, K № 5587375 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Пайриқ ҳизмат қўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2010 йилда Ҳамдамова Ирода Абдуалимовна номига берилган рўйхат рақами 383 K № 0092894 рақамли имтиёзли диплом

ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказидан 2015 йил 28 июнда Исमतова Мафтуна Исमत қизи номига берилган рўйхат рақами 12172015, QT № 031182 рақамли қайта тайёрлов дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги «OTABEK NUR SAVDO SERVIS» (СТИР 300219595) масъулияти чекланган жамиятига тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2007 йил 13 февралда 2815 реестр рақами билан рўйхатга олинган, завод рақами 607190 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат-касса машинасининг қайд қилиш варақаси ва паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман

филиалидан 2012 йилда Ҳоджимуратов Азим Ҳоджаевичга (марҳум) қарашли Самарқанд тумани «Захлик» маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 10 майда 721253 реестр рақами билан рўйхатга олинган "INOMJON INTERBUR" хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: "INOMJON INTERBUR" XK) корхона таъсисчисининг 2020 йил 8 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқ

МАЪРИФАТ

# Амир Темур арки қайта қурилса



Бугун нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун республика-миздаги шаҳар ва қишлоқлар улкан қурилиш майдонига айланган. Қурилишлар туфайли юртимиз кундан-кунга чирой очиб, янги мазмун касб этиб бормоқда.

Меъморчилигимизнинг қайси соҳасини олманг, улардаги ўзига хос меъморий ечимлар, бинолар туркумини кўрамиз. Яъни, бинолар алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки меъморий ансамбллар ва мажмуалар тарзида қурилиши, иморатлардан тузилган занжирни кўриб, дилимиз яйрайди.

Самарқандда қуриладиган ҳар бир бино ўз оstonасига, ўз вужуди ва бадиий тугаллик қисмларига эга. Уларнинг ўзаро мутаносиблиги биноларнинг визуал архитектуравий яхлитлигини ташкил этмоқда. Шаҳарнинг ҳар бир гўшаси, кўча ҳамда майдонлари, бино ва иншоотлар кўлами инсон қоматига, масштаби, фикри-зикрига мос ва уйғун. Пиёда юрган инсон атроф-муҳит мужассамлиги, экологияси, шаҳар ландшафти ва орасталиги билан ҳузур қилади, ҳаловат олади.

Собиқ иттифок даврида ҳамма биноларни бир хил лойиҳа асосида қуриш давлат сиёсати айланганди. "Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг" кинофильмини эсланг. Унда ўша давр архитектурасидаги бир хиллик яққол акс этган. Уйнинг архитектураси ҳам, қулф-калити, ҳатто мебеллари ҳам бир хил.

Бугун Самарқанднинг тарихий қисми худудда собиқ иттифок даврида қурилган айрим бинолар, жумла-

дан, Даҳбед кўчасининг "Афросиёб" меҳмонхонаси ёнидаги чорраҳадан бошланган қисмида, ўнг томонидан кўприккача кетма-кет жойлашган 2 ва 3 қаватли эски ётоқхоналар ҳозирги давр архитектурасига ярашмай қолган. Булар тарихий шаҳарнинг замонавий шаҳар билан боғлиқ чегарасида жойлашган бўлиб, улар "Афросиёб" меҳмонхонасида дам олаётган ҳар қандай сайёҳнинг диққатини тортади. Мазкур кўчанинг кўйи қисми, яъни кўприкдан собиқ банк коллежигача озми-кўпми тартибга туширилди-ю сайёҳлар кўзига ташланадиган қисми ноҳор аҳволда. Биз бу иморатларни бузиб юбориш тарафдори эмасмиз. Бироқ уларнинг ҳеч бўлмаганда ташқи қисмини аънавий ва замонавий архитектура синтези усулида ишласа бўлади.

Яна бир фикр. Айнан Даҳбед кўчасининг чап томонида Соҳибқирон Амир Темур даврида унинг арк-қалъаси бўлган. Ҳозирда ўрни қолган, холос. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида археологлар ушбу жойдан ўша арк-қалъанинг муҳофаза деворлари, буржлари ва ҳаммом биносининг қолдиқларини топилган. Ҳозирда бу жойларда ҳеч нарса қурилмаган. Шундан фойдаланиб, ўша деворлар қолдиқлари ўрнида Амир

Темур аркининг бош дарвозасини (уни Регистон билан боғловчи асосий дарвозаси), унга туташ бўлган ўша муҳофаза деворлари билан қайта тикласак, тарихий шаҳарлардаги жаҳон меъморчилик маданиятининг энг яхши аънаволига мос иш бўларди.

Иккинчидан, Самарқанд шаҳрининг қадимийлигини, унинг шохона арки бўлганлигини жаҳон сайёҳларига намойиш қилган бўларди. Жаҳоннинг энг илғор архитекторларининг ҳам фикри шундай бўлганлигини биз Самарқандда 1980 йилда Улуғбек маданият марказини яратиш бўйича ўтказилган халқаро кўрик-танлов тақлифларида ҳам кўрган эдик.

Даҳбед кўчаси бошланадиган чорраҳа доим тирбандлигидан нафақат автотранспорт, балки пиёдалар учун ҳам хавфли. Шундай экан, ушбу чорраҳада кўприк қуриш орқали Университет хиёбони Регистон майдони билан боғланса, пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракати таъминланарди. Бундай лойиҳа Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ишлаб чиқилган. Худди шунга ўхшаш кўприкни Амир Темур кўчасининг Гагарин кўчаси билан кесишган чорраҳаси учун ҳам тақлиф этган бўлардим. Тақлиф этилаётган ҳар

иккала кўприкнинг жойи ҳам уларни қуриш учун қулай рельеф шароитига эга, яъни шаҳар аҳолиси ва сайёҳлар учун анча қулай бўларди.

Шаҳарнинг собиқ арок заводи худудидида очик майдон, яшил хиёбонда кўп йиллардан бери шаҳримизга етишмай келаётган "Самарқанд хунармандлар маркази" биносини қуришни тақрир этаман. Бироқ бу бионинг архитектуравий ва ландшафт ечими, эски шаҳар муҳити билан янги шаҳарни боғловчи, масштаби ва ташқи тарзи билан атроф-муҳит, айниқса, Амир Темур ва Рўҳобод обидалари ҳамда "Афросиёб" меҳмонхонаси меъморий ва ландшафт ечимларига уйғун бўлмоғи зарур. Ана шундай лойиҳа-тақлиф ишлаб чиқилган.

Албатта, кўпчиликда бундай бино ушбу худудга тўғри келмайди, деган фикр ҳам тўғрилиши мумкин. Бироқ биз янги бионинг шундай ечимини тоганмики, унинг бандлиги Амир Темур ва Рўҳобод обидаларига соя солмайдиган, архитектураси эса уларга мос тарзда ишланган. Бу албатта, бир тақлиф, бироқ ўйлаб кўрса бўлади.

**Аҳтам ЎРОЛОВ,**  
**САМДАКИ профессор,**  
**меъморчилик фанлари доктори.**

## Мулоҳаза учун мавзу

Тиш шифокорига болаларни олиб бориш қанчалик азоблигини ота-оналар жуда яхши билишади. Болалар стоматолог хонасида йғи овози тез-тез қулоққа чалиниб қолади. Шифохонага бориб, навбатда тургандим, икки қизалоқнинг онаси билан тиш шифокорига борганда нималар қилиш кераклигини бурро-бурро гапириб бераётганига гувоҳ бўлдим. Қизалоқлар бир-бирига гап бермай шифокорнинг асбоблари қандай ғириллаши-ю дўхтир опа озгина жижиллатиб укол қилиб юборганига индамай ўтирса, ҳаммаси ўтиб кетишини қувноқ оҳангда айтиб бераётганди.

## Билимга айланаётган ўйинларнинг ўзбекчаси бўлсайди



Ўғлим кўпинча ютубдаги каналларда болаларни ривожлантирувчи турли ўйин ва кўрсатувларни томоша қилади, - дейди самарқандлик Малика Эшмуродова. - Кўпинча ошхонада юганимда сувнинг қайнаш даражаси-ю розеткага темир буюмлар суқилиши қандай оқибатларга олиб келиши, ўсимликларнинг қай тартибда ўсиб-ривожланиши кабиларни гапириб беради. У буларнинг барини ўша, ютубдаги каналлардаги ўйинлар орқали ўрганаётган экан. Кейинчалик бу ўйинларни биргаликда бажарадиган бўлдик. Бу болани назорат қилишга, кейинроқ эса унга бу маълумотларни эслатиб қўйишимда асқотадиган бўлди.

Ростдан ҳам 4-5 ёшли қизалоқлар қабулга киргач, йиғламади ҳам. Онасидан бу ҳолнинг сирини сўрадим. - Фарзандларингизни шифокорга келишга обдон тайёрлабсиз-да? - Бола фақат айтилган гапга кўнмайди-ку. Ютуб орқали болани тиш шифокорига олиб боришга тайёрлаш бўйича мультфильм ва босқичма-босқичли ўйинлар бор, ўшалардан кўпроқ фойдаландим, - деди.

Умуман, кундалик ҳаётда биз билган, билмаган турли ҳолатлар бўйича болаларнинг барча саволларига бугун ота-оналарнинг ўзлари ҳам кези келганда жавоб топа олмай қолади. Кейинги пайтда мактабгача таълим ёшидаги болаларни кузатарканман, уларда мана шу билимлар ёшли-гидаёқ шаклланаётганига гувоҳ бўламан.

Нега фақат хориж каналларидаги мультфильм ва кўрсатувларни кўрсан, - сўрайман ҳали олтига кирмаган болақайдан. Ўзимча унинг жавобидан кейин болақайга миллионликка иштиёқ, ўз тилини ҳурмат қилиш, қадриятларимиз намойиш этиладиган ўз каналларимизни кўришдан «ваъз» ўқимокчи эдим. - Биласизми, - деди у худди катталардай салмоқ билан гап бошлаб. - Бу «мультфильм»да космос ҳақида зўр маълумотлар айтилган. Воқеалар ҳам шунақа зўр тасвирланганки, худди космосга бориб қолгандай бўласиз. Масалан, сиз қайси сайёра ҳақида яхши биласиз, ўша бўйича ҳозир сизга савол бераман?

Болақай шу тарикка мени саволларга кўмиб ташлади ва бу борадаги билимларимни ҳам тўлдирди. - Ютубдаги ўзбекча мультфильмларда бунақасини тополмайманда. Шунинг учун рус тилидаги каналлардагиларни кўраман, - деди. Болалар эрта улғаяпти, деган хаёлга бордим. Бу ҳақда доим ўқисам, гувоҳи бўлсам-да, уларнинг кўп нарсаларни эрта билаётгани, ҳатто кўпчилиги янги билим излашга ўзи иштиёқ билдираётганидан кўз юмолмаймиз.

Гулрух МўМИНОВА.

## Жаҳонда нима гап?

### Хитойда дарахт ўтқазилган куни бор

12 март -Хитойда дарахт ўтқазилган куни. Ҳар йили шу куни мамлакатда мактаблардан тортиб барча ташкилот ва корхоналарда дарахт ўтқазилади. Кўпчилик Хитой ёғоч хомашё материалларини асосан четдан сотиб олади, деб ўйлайди. Ундай эмас экан. Хитой худудидида ҳар йили Россия худудидигидан бир ярим баравар кўп ёғоч тайёрланади. Масалан, 2017 йилда Россияда 212,4 миллион кубометр, Хитойда эса 329,3 миллион кубометр ёғоч тайёрланган. Хитойда ўрмончиликка катта эътибор, тежамкорлик билан қаралади. Ўрмонларни пала-партиш кесилганга йўл қўйилмайди, махсус плантацияларда қатъий тартиб билан олиб борилади. Битта дарахт кесилса, ўрнига унта экиш ва парвартиш таомилга киритилган. Аммо махсус ташкил этилган ўрмон плантацияларидан тайёрланадиган ёғоч ички талабга камлик қилади. Шу боис, Хитой Россия, Бразилия, Канада, Янги Зеландиядан ёғоч хомашёси сотиб олади. Таъкидлаш керак, Хитойда ёғочни чиқиндисиз қайта ишлаш технологияси юксак даражада ривожланган. Кесилган дарахтнинг танаси, шох-шаббаси, пўстлоғи, баргигача қайта ишланиб ёғоч-тахта, мебель, энг охири маҳсулот тиш ковлангич, болалар памперси тайёрлаш билан тугайди.

### Миллионлар ташаббуси

Дунёнинг турли мамлакатларидан 93 миллионер жаҳон ҳукуматларидан энг бадавлат одамлардан олинган даромад солиғини ошириш ва маблағни коронавирусга қарши курашга йўналтиришини сўради. Мурожаатга имзо чекканлар орасида АҚШ, Буюк Британия, Канада, Дания, Янги Зеландия фуқаролари бор. Аммо негадир уларнинг орасида 200 миллионери бўлган Россияни кўрмайсиз.

Миллионерлар ва миллиардерлар инсониятга таҳдид солаётган пандемиядан холос бўлмай туриб 100 миллион долларни 200 миллион қилиб бўлмаслигини яхши билишади. Ғарбий Европада энг бой фуқаролар даромад солиғига 45-55 фоиз, АҚШда миллионерлар бюджетга 35 фоиз солиқ тўлайдилар. Шу тарикка даромад ва рентани жамият фойдаси - тиббиёт, таълим, фан, аҳолининг кам таъминланган табақаси, нафақа олувчиларга қайта тақсимлаш амалга оширилади.

"АиФ" (2020 й, 30-сон) дан Т.МУРОД тайёрлади.

## Маънавият сабоқлари

У машинада давлатлараро юк таширди. Бир ой уйда бўлса, уч ой сафарда. Қўли пул кўра бошлагач, босар-тусарини билмай қолди. Пул топиб, ақл топмаган бундай одамларнинг одатлари қизиқ. Ё уйга зўр беришади ё тўйга. У доврў қозонишни ўғлининг хатна тўйдан бошламоқчи бўлди: меҳмонлар мингтадан кам бўлмайди, эрталаб наҳор ош, сўнгра кураш, оқшом «вечер». Эшитганларнинг оғзи очилиб қолсин...

### Тўйдан кейин кирган ақл

Кайвонилар, қариндош-уруғ насиҳат қилиб уни ҳовуридан тушироқчи бўлишди. - Тўйни юз-юз эллик киши иштирокида наҳор ош билан ихчамгина ўтказасак маъқул бўларди, - деди маҳалла оқсоқоли. - Мен тўй қилмоқчиман, садақа эмас, - деди у қайсарлик билан. - Тўй меники, пул меники, қандай хоҳласам, шундай ўтказаман. - Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма, деган гап бор, сал пастроқ туш, - деди акаси уқасининг қирилганига гаши келиб. - Эртанги кунингни, болаларингни ўйла, бир кунлик тўй деб уларнинг ризқини қийма.

- Нима, ҳасад қиялписиларми? Одамларга ҳам ҳайронсан, бор бўлсанг, кўролмайдми, йўқ бўлсанг беролмайди, - деди у ён бергиси келмай. Тўй маслаҳатига қақирилганлар унга гап уқтириш бейфойда эканлигини англаб, қўл силтаб чиқиб кетдилар. «...Тўймисан тўй бўлди-да ўзим. Бу ёқда наҳор ош, бу ёқда кураш, оқшом «вечер». Совринларни айтмайсанми, той, тана, мебель, телевизор, - юз эллик миллион сўм кетди-ёв, ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолди. Э, қандингни ур, йигит!» У шундай ширин хаёллар оғушида ҳузур қилиб ёнбошлаб ётганди. Хонага кириб келган ўғиллари тинчини бузди.

## Расмлар танловида ўқувчиларим ғолиб бўлди

Халқ таълими вазирлиги томонидан "Жаннатмакон Ўзбекистон", "Табиатни асрайлик!", "Ижодкор болалар", "Биз одам савдосига қаршимиз!", "Мен севган эртақ қаҳрамони", "Мевалар", "Мустақиллик мадҳи" каби мавзуларда онлайн расмлар танловлари ўтказилди.

Самарқанд шаҳар 14-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ҳам ўз ижод намуналари билан

қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Масалан, Умид Мамашарипов "Мен супер юлдузман", Ораста Дўстёрова "Ёш ижодкор" танловида биринчи ўринни эгаллади. Шахзод Баҳодиров "Мен чизган мева", Зухра Раҳматжонова, Шаҳина Козимжонова, Мухлиса Баҳодирова, Шаҳрибону Алиевалар "Ёш ижодкор" танловида диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Муқаддас АСҚАРОВА, мактаб ўқитувчиси.

Zarafshon  
САМАРҚАНДСКИЙ  
ЕСТНИК

МУАССИСЛАР:  
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр 100. Индекс 438.  
10 664 нусخада чоп этилди. Буюртма 511



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.  
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.  
Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.  
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.  
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.  
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.  
Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X  
9 772010 667009